



Газета 1966 йил
1 июлдан
чика бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (13.787)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8 октябрь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Париж, 8 октябрь.

ЎЗА махсус муҳбири Абу Бакр ҲОЗОВ хабар қилади.

Икки давлат байроқлари билан безатилган "Орли" халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Франция Республикасининг расмий шахлари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашди.

Президентимиз Франция Республикасига ташриф ЮНЕСКОда учрашувдан бошланганида чуқур рамзий маъно борлигини, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Одри Азуле давлатимиз раҳбарини ташриф билан самимий қўллаб, Ўзбекистон билан ҳамкорлик ривожига ушбу учрашув гоят муҳимлигини қайд этди.

Мамлакатимиз ЮНЕСКО Ижроия кенгаши таркибига икки марта сайланган. Томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларидаги тарихий-маданий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бухоро шаҳри ташкилотнинг "Тинчлик тарафдори бўлган шаҳарлар" соҳибни билан тақдирланган.

Хивадаги "Ичан қалъа" мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабзнинг тарихий марказлари, Чотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бойсон маданий мероси, Наврўз, Шашмақом, Катта ашула, аския, ош, атлас ва адрес ишлаб чиқариш технологиялари ташкилотнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олган. Усмон Қуръони ва Шарқшунослик институти қўлёзмалар тўплами ЮНЕСКОнинг "Жаҳон хотираси" рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги ўзбек мумтоз мусиқий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинаётган бўлса, жорий йил сентябрь ойида Шахрисабзда илк бор Халқаро мақом санъати анжумани ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО хузуридаги доимий ваколатхонаси таъсис этилди.

Таълим соҳасида ҳам истиқболли ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон "Жаҳолатга қарши маърифат" гояси асосида жисмоний ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган сиёсатини амалга оширмоқда. Давлатимиз раҳбари ўтган йил сентябрь ойида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

ЮНЕСКО Бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улугбек номидаги халқаро институт ташкил этиш, Тошкент ахборот техно-

логиялари университети хузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанд "Ипак йўли" туризм халқаро университетидега ЮНЕСКО кафедрасини тузиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистонда Марказий Осиё ёш олимлари минтақавий форумини ҳамда 2019 йилда Тошкентда "Ахборот технологиялари маданий меросини асраш хизматида" мавзуда Осиё форумини ўтказиш борасида келишувга эришилди.

Бош директор Одри Азуле Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Бу ҳужжат муносабатларни янги босқичга қўтариш, томонлар олдиде турган вазифаларни биргаликда инновациялар орқали ҳал этиш ва барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди.

Шу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Сенат Раисини Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқсан, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар парламентлараро муносабатлар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи тузилган, 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон – Франция" дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Франция инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

Франция билан кенг қўламли муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама амалий алоқаларни қамраб олган. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва ҳудудлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Парламентлараро алоқаларни аниқ йўналишлар бўйича, жумладан, қўшма тадбирлар ва ўзаро ташрифларни мунтазам ташкил этиш, тажриба алмашиш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Франция Сенати Раиси мамлакатимизда иқтисодий тубдан модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳот ва янги-

ланишларни юксак баҳолади. Ўзбекистон яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсат олиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорлик, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёрг хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик ришталари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустаҳкамлаш йўлида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёрг эканлини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати биносини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Унда "Тоталь", "Тоталь Эрен", "Орано", "Фивс Штейн", "Ранжис Семмарис", "Винчи", "Суэц", "Сад", "Идемия", "Мерсие", "Талес Аления Спейс", Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорига етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташқи савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Хорижий инвестициялар бўйича кенгаши тузиш тўғрисида қарор қабул қилингани, унинг вазифаси инвесторлар фикрини инноватга олган ҳолда, Ўзбекистон инвестиция муҳитини изчил яхшилаб бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат эканлини таъкидлаб, Франциялик сармоядорларни Кенгаш ишида фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Франциялик тадбиркорлар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни оқори баҳолаб, валюта тизимининг либераллаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратганини таъкидлади. Бундай қулайлик ва энгилликлар Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқчини кучайтирди. Давлатимиз раҳбари ташрифи арафасида умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар имзолангани бундан далолат беради.

Ўзбекистон ва Франция молиявий ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасидаги шерикликни янада ривожлантириш, ўзаро товар етказиш ва хизмат кўрсатиш ҳажминини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Франция Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги "Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ф-5017-сон фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг "lrgo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда – "lrgo.gov.uz" тизими) улаштириш тасмирилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси томонидан "lrgo.gov.uz" тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 800 дан ортиқ қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан тест режимида тизимли назорат олиб борилаётган.

Шу билан бирга, яратилган шароитларга қарамадан, айрим вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро интизоми назоратини сифатли ва самарали ташкил қилиш, шунингдек, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ханузгача талаб даражасида йўлга қўйилмапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига риоя этиш масалаларида маъсулиятсизлик ва расмийлик ҳолатлари учрамоқда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги чоралар самарасизлигича қолмоқда, иш юритишнинг ички жараёнларини автоматлаштириш бўйича таъсирчан чоралар қўрилмапти, шунингдек, ижро интизомида консерватив-буйруқбозлик билан ёндашилишига йўлга қўйилмоқда.

Ижро интизоми мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилангани:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат олиб боруви, шунингдек, "lrgo.gov.uz" тизими бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи маъсул давлат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "lrgo.gov.uz" тизимини доимий асосда техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштиришни таъминловчи ишчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси тузилмалари маъхфият белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун маъсул;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази оммавий ахборот воситаларида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини баҳолаб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиналари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига ахборот киритиб бориш учун маъсулдир.

2. "lrgo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу низомга мувофиқ "lrgo.gov.uz" тизимда доимий ишлашининг ташкил қилинишини таъминласинлар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИШ ИСТАГИДАМИЗ

Бугун Париж кўчаларида
францияликлар билан сўхбатлашган
киши тез-тез ана шундай фикр-
мулоҳазаларни эшитиши мумкин.

Бунга ушбу мамлакат фуқароларининг Ўзбекистон ҳақида билдирган қўйидаги фикрлари мисолида яна бир бор гувоҳ бўласиз.

Лионель РАПАЙЛЬ, Европа инвестициялар банки департамент бошлиғи:

— Бугун Европа инвестициялар банки учун муҳим кун. Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатиб, илк қўшма лойиҳаларни молиялаштирдик. Бу лойиҳа мамлакатингиздаги қатор шаҳарлари сув таъминотида санитарияни яхшилашни кўзда tutadi. Биз, шунингдек, энергия самардорлигини оширишга оид лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Бугун Парижда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми доирасида қиймати 10 миллион евродан ортиқ шартнома имзоладик. Айни пайтда транспорт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалардаги лойиҳалар устида ҳам иш олиб бораёмиз. Ўзбекистон билан ҳамкорлик ўрнатганимиздан хурсандимиз.

Мадлен БАРСО, ўқитувчи:

— Ўзбекистоннинг мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга интиляётгани францияликларни қувонтирмоқда. Тарих китобларида Амир Темур ҳақида ўқиганимиз. Париждаги Лувр музейида ўша даврга оид қўллаб-қувватлаш билан танишганим. Яқинда таълим соҳасида Ўзбекистондан делегация келгани ҳақида ўқидим. Мактабгача, мактаб, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилибди. Бу жуда яхши. Ўзбекистонда француз тили ва маданияти марказлари ташкил қилиш, икки мамлакат таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тарафдоримиз.

Боош БАЗЕН, иқтисодчи:

— Ўзбекистонда барча соҳада ислохотлар амалга оширилаётганидан хабарим бор. Энг диққатга сазовор томони шунки, замонавий туризм инфратузилмаси ривожлантирилиб, сайёҳларнинг мазмунли хордик чиқариши учун замонавий шароитлар яратилаётган экан. Яқинда мамлакатингизда бўлиб келган танишларим Ўзбекистон тарихий обидаларга бой мамлакат эканлини айтишди. Демак, уларга қизиқувчилар кўп бўлиши табиий. Шунингдек, интернет сайтларида мамлакатингизда сайёҳликнинг янги турлари, жумладан, экотуризм ривожланаётгани ҳақида ҳам матбуотда ўқидим. Ўзбекистонда кўришоналар, миллий боғлар, табиий ҳудудлар, тарихий ёдгорликлар қўлиги экотуризмни истиқболли йўналишга айлантириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

АСРИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗИДАН

Франция билан маданий алоқалар тарихимизнинг зарли саҳифаларидан. Маълумки, буюк аждодимиз Амир Темур Франция қироли Карл VI билан ўзаро ҳамкорликка оид ёзишмалар олиб борган. Бугунги кунда ҳам ушбу аънаналар бардавом.

"Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамияти раиси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини ректори Авазжон МАРАҲИМОВ ЎЗА мухбири билан сўхбатда ушбу мамлакат билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги ривожига ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— "Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамияти ўз фаолиятини таълим, маданият, маърифат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш асосида ташкил қилиб келмоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг бой тарихи, адабий алоқалари, илм-фан соҳасида-

ги муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Илмий ҳамкорлик ҳақида сўз бораганда, ўтган йили пойтахтимизда ташкил этилган "Илмий мунозара: муаммо, ечим ва ютуқ" мавзусидаги халқаро анжуман ва унинг самараларини ёдга олиш мақсадида мувофиқ. Ушбу анжуман ўзбек таржимашунослик мактаби асосини, адабиётшунос олим Файзулла ас-Салом таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ўтказилди. Унда иштирокчилар мамлакатимизда таржима соҳасини янада ривожлантириш, тил ўрга-

нишининг осон ва инновацион усулларидан фойдаланиш, маданий алоқаларни яхшилаш борасида фикр алмашдилар.

Дўстлик жамияти Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда икки мамлакат миллий байрамларини ўтказиш, урф-одат ва аъён-назарини кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, ҳар йили 14 июлда Франция миллий байрами – Бастилия қалъаси ишғол қилинган кун муносабати билан Тошкентда тантанали маросим ва бадиий кечалар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)



• Самарқанд давлат университетига Хитой Халқ Республикасининг Шэньси педагогика университети билан ҳамкорликда "Ўзбекистон – Хитой" таълим соҳасида ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳридаги Матбуот уйда "Сурхон-Навр" нашриёти томонидан кўп нусхада чоп этилган "Сурхондарё муаллимлари" адабий-оммабоп китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

• Самарқанд давлат университетига 8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат Босқаруви академиясининг худудий филиали иш бошлади. Худудий филиалнинг дастлабки 30 нафар тингловчиси шу кунги ўқишни бошлади.

• Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Бойчечак" фермер хўжалигида 2019 йил ҳосили учун кузги дон экиш масалаларига бағишланган кўргазмада семинар ўтказилди. Галлачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маъсуллари, мутахассислар ва олимлар иштирок этди.



• Марказий Америка давлатларига ёпирилган кучли ёмғирлар оқибатида камида 12 киши

ҳаётдан кўз юмди, 23 мингдан кўпроқ киши жабр кўрди.

• Буюк Британияда ҳаво тозаловчи автобус ишга тушди. У юрган йўлида ҳавони тозалайди. Pall Aerospace компанияси мутахассислари махсус Bluestar филтърларини ишлаб чиқиб, уни автобуснинг том қисмига жойлаштиришди. У автобус ҳаракатга келиши билан ишлай бошлайди.

• Нью-Йоркда тўй кортежи аварияга учраши оқибатида 20 киши ҳалок бўлди. Шаҳар ташқирисидеги худудда тўй лимузини бошқа автомобилга тўқнашиб кетган ва йўл ёқасидаги пиёдаларни босиб ўтган. Лимузин соатиға 100 километр тезликда ҳаракатлангани маълум бўлган.

• Австриянинг Клангенфурт шаҳри суди маҳаллий богбонни асарларининг 50 колонияси нобуд бўлишида айбдор деб топиб, унга бир йиллик қамоқ ва 20 минг евро миқдориде жарима тўлаш жазосини тайинлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Белгилансинки: 2019 йил 1 январдан бошлаб республика ва ҳудудлар даражасидаги мажлис ва йиғилишларни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан ўтказиладиган йиғилишлар бундан мустасно, факатгина "lrgo.gov.uz" тизимидаги мажлислар ва йиғилишлар махсус марказлашган маълумотлар базасига ўтказилаётган тадбирнинг максимал, натижалари, иштирокчилар таркиби ва давомийлиги кўрсатилган қайлар киритилганидан сўнг амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларида белгиланган ижро мuddатлари факатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти руҳсати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилгандан сўнг узайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан биргаликда мажлислар ва йиғилишларнинг "lrgo.gov.uz" тизимидаги марказлашган маълумотлар базасида қайд этилмаган ҳолда ўтказилишига йўл қўймайлик юзасидан тизимли назоратни амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига:

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг аниқ амалий натижаларга эришилши таъминланмасдан туриб, юзаси бажарилишига йўл қўймайлик;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро ҳолати тўғрисида маълумотларнинг "lrgo.gov.uz" тизими орқали ўз вақтида тақдим этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро ҳолатининг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ҳар ойда муҳокама қилиниши таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бериш;

бюрократик тўсиқлар ва муаммоларни ҳал этиш мuddатларининг чўзилиши ҳолатларини бартараф этиш орқали вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ижро этилишида доимий равишда қўмақлашиб бориш вазифалари юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини тўлиқ ва ўз вақтида бажармаган, шунингдек, "lrgo.gov.uz" тизими орқали ижро ҳолати тўғрисида маълумотларни тўлиқ бўлмаган ҳолда, нотўғри ва кечиктириб тақдим этган, буйруқбозликка ва масалаларни ҳал этишда мuddат бузилишига йўл қўйган вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдирлар киритиб бориш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга "lrgo.gov.uz" тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижроси ҳолати тўғрисида маълумотларни тўлиқ бўлма-

ган ҳолда, нотўғри ва кечиктириб тақдим ҳодимларга нисбатан интизомий чоралар кўриш тўғрисида тақдимномалар киритиб бориш.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тақдимномалари ва талаблари бажарилмаган тақдирда тегишли материаллар жавобгарлик чораларини кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ижроси юзасидан аҳоли, сенаторлар, депутатлар, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жаммоатчилик назорат механизмининг амалга оширилиши таъминловчи "Jamootfikr.uz" порталининг ташкил этилиши ва йўлга қўйилиши таъминласин.

7. "lrgo.gov.uz" тизими ва "Jamootfikr.uz" порталини ташкил этиш, техник қўлаб-қувватлаш ва тақомиллаштириш чора-тадбирларини молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жағмагармаси ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини "lrgo.gov.uz" тизимига мониторинг режимида ула-нишини таъминласин;

икки ой мuddатда ҳар бир давлат органи ва ташкилотларида, уларнинг ҳудудий бўлиналарида мажлислар ва йиғилишларни жисмоний шахслар иштирокида масофадан ўтказиш имконини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўлаш бўйича тақдирлар киритсин;

2018 йил 1 декабрга қадар давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд электрон ҳужжатлар алмашинуви тизимларининг ҳат-ловдан ўтказилиши таъминласин;

2019 йил 1 январга қадар "lrgo.gov.uz" тизимида республика ва ҳудудлар даражасида ўтказиладиган мажлис ва йиғилишлар мар-казлашган маълумотлар базасини яратсин ва йўлга қўйсин;

2019 йил 1 июлга қадар электрон ҳужжатлар алмашинуви тизимларини "lrgo.gov.uz" тизимига интеграция қилиш мақсадида ягона талаблар, шунингдек, ушбу тизимнинг давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг электрон ҳужжат алмашинуви тизимлари билан мувофиқлаштириш бўйича интеграциявий шлюз ишлаб чиқишини таъминласин.

9. 2019 йил 1 январдан бошлаб: давлат органлари ва ташкилотларида қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини махсус журнал ва ҳисоб варақаларида рўйхатга олиш тартиби; қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бўйича ҳисоб картотекаларининг қоғоз шаклида расмийлаштирилиши ва юритилиши беқор қилин-син.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари бўйича ижро интизомининг назорат қилиш ҳарабинини, кейинчалик "lrgo.gov.uz" тизими билан интегра-ция қилган ҳолда, замонавий ахборот-коммуникация техноло-гиялари жорий этилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, адиля органлари маҳаллий ижро ҳокимия-ти органларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилан-

ган тартибда тайёрлиниши ва келишилишида амалий ёрдам кўрса-тадилар.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (Арипов), унинг ўринбо-сарлари (Раматов, Қўчқоров, Ҳолмуродов, Султонов, Отажонов, Абдуҳақимов, Мирзаев, Норбоева), шунингдек, Вазирлар Маҳка-маси аппарати бошқарувчисига (Абдуқодиоров) – Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг масъул вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан ишларнинг ташкил қилиниши учун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳ-барига (Низомидинов), Ўзбекистон Республикаси Президенти мас-лаҳатчиларига – Ўзбекистон Республикаси Президенти Админист-рациясида ижро интизомини таъминлаш, Ўзбекистон Республика-си Президентининг қарорлари ва топшириқларининг амалга оши-рилишида қўмақлашиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура (Муродов) – вазир-ликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг қарорлари ва топшириқлари самарали ижро этилиши юзаси-дан тегишли прокурор назорати таъминлиниши, шунингдек, улар-ни тўлиқ бўлмаган ҳолда ва кечиктириб бажарган шахсларга нис-батан жавобгарлик чоралари кўрилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисига (Икромов) – вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомини тегишли даражада таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва комму-никацияларини ривожлантириш вазирлигига (Солиқов) – "lrgo.gov.uz" тизими ва "Jamootfikr.uz" порталининг тақомиллаштирилиши, у-луксиз ишлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий асосда чоралар кўриб борилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси адиля вазирлигига (Давлетов) – норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида топшириқлар ижросининг аниқ мuddатлари белгиланиши, шунингдек, уларнинг аниқ ва равшан баён қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш учун;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлигига – Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар "lrgo.gov.uz" тизими орқали тўлиқ, тўри ва ўз вақти-да тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Рес-публикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ри-вожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақдирлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомидинов, Ўзбеки-стон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов, Ўзбекистон Рес-публикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М.Икромов ва Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 октябрь

АСРИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунё микёсида юртимизнинг бой маданияти, ранг-баранг урф-одатлари, миллий ҳунармандлиги-га қизиқиш катта. Шуни инобатга олган ҳолда, Францияда "Ўзбекистон маданияти" кунларини ўтказиш, юртимизнинг сайёҳлик брендини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданий тадбир доирасида Францияда мамлакатимиз ҳунар-мандлари, тасвирий санъат намояндалари ва ҳай-калтарошлари ижодий ишлари намойиш этиб келинмоқда.

Ҳар йили август ойи жамиятимиз учун ўзгача тан-тана – бадий-адабий ақинлик руҳидаги тадбир-ларга бой бўлади. Ватанимизнинг Муствақиллик бай-рами арафасида Ўзбекистон ва Франциянинг ил-мий доиралари вакиллари, шоир ва ёзувчилар иш-тирокида бадий кечалар ушатилади. Тантана-ларда француз ва ўзбекона миллий куй-қўшиқлар янграйди.

Жамиятимиз пойтахтимизда фаолият юритаётган "Тошкент Француз альянси" билан ҳамкорликда ҳар ойда бир марта "Француз адаблари асарлари би-лимдони" танловини ўтказиб келади. Шу орқали ма-даный-адабий ҳамкорликни давом эттириш ва фран-цуз бадий адабиётининг нодир намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш учун қулай ижодий муҳит яратилади.

"Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамиятининг фаол аъзолари Тур шаҳрида анъанавий тарзда ўткази-ладиган "Тил ва маданият" фестивалида мунта-зам қатнашади. Бу мамлакатларимиз дўстлик ало-қалари янада мустаҳкамлашиши ва халқ дипломатия-си ривожига муҳим ўрин тутади.

Мухтасар айтганда, Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция давлати билан бошлаб берган дўстлик ало-қалари бугун икки мамлакат раҳбарлари ташаббу-си билан юксак мақомада давом этмоқда. "Ўзбеки-стон – Франция" дўстлик жамияти ана шу эзгу мақ-сад йўлидаги хайрли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қил-моқда.

Дилобар МАМАТОВА ёзиб олди

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ФАҲРИЙ ФУҚАРОСИ УНВОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасида 8 октябрь кунини Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти, тарихчи олимпиада Фредерик Бопертю-Брессанд хоним, Марказий Осиё тарихи жонкуяри, археолог олим Франц Грене, таниқли француз ёзувчиси Амин Маалуфга Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда Франция давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистондан ташриф буюрган делегация аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг Франциядаги Фақуллода ва мух-тор элчиси С.Рустамбоев, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев ва бош-қалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳам-корлик барча йўналишда, жумладан, илм-фан, ма-даный-гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожлана-ётганини алоҳида таъкидлади. Бунда мамлакатимиз тарихи, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этаётгани, мазкур алоқалар давлати-миз раҳбарининг Францияга расмий ташрифидан сўнг янада мустаҳкамлашиши қайд этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раисининг бир-ринчи ўринбосари С.Сафоев франциялик жамоат арбоблигига фахрий унвонларни тантанали равиш-да топширди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида мада-ний-гуманитар ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ху-сусан, Тошкент шаҳрида француз мактаби, Самар-қанд ва Бухоро шаҳарларида "Француз альянси" фи-лиалларини очиб боради муҳим қадамлар таш-ланди. Бундан ташқари, театр, кино, илм-фан соҳа-ларида диққатга сазовор лойиҳалар устида иш олиб-борилмоқда.

2015 йилда Ўзбекистон билан Франция ўртаси-да имзоланган келишувга биноан пойтахтимизда "Тошкент Француз альянси"га асос солинди. Унинг асосий мақсади маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, илм-фан, техника соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳар йили бу ерда 1000 дан ортиқ тингловчи француз тили бўйича таҳсил олади.

Францияликлар юртимизда ўтадиган "Шарқ та-роналари" халқаро мусика фестивалида мунтазам иштирок этиб келади. Айни пайтда Париждаги Лувр музейида Ўзбекистон маданияти ва санъати ба-ғишланган махсус кўргазма ташкил этиш юзасидан музокара олиб борилмоқда.

– Самарқанднинг фахрий фуқароси бўлиш мен учун шараф. Бу шаҳарга бежиз рўйи замин сайқа-ли, деган таъриф берилмаган, – деди Фредерик Бопертю-Брессанд хоним. – Бундай юксак эъти-бор мени маданий ҳамкорлигимиз ривожига йўлида янада сиқидилдан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ривожига олимларимиз олиб бораётган тарихий меросни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот-лар муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Абу Бакр ҲУРОЗОВ Париж

ФРАНЦИЯ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА ВИЗАСИЗ РЕЖИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Президентимиз раҳбарлигида юртимизнинг туристик брендини кенг тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик имижини мустаҳкамлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инфратузилма, транспорт-логистика, меҳмонхона, сервис хизматлари кўрсатиш сифат жиҳатидан яхшиланаётгани, туризмда янги тармоқлар жорий этилиши ҳисобига соҳани диверсификация қилиш борасидаги ишлар шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 де-кабрдаги "Ўзбекистон Республикаси кон-суллик йиғимлари тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қаро-ри асосида яқна тартибдаги хорижий сайё-ҳлар учун 30 кун мuddатда бериладиган ягона кириш туризм визалари жорий қилин-ди. Кунча Президентимиз фармони билан Франция фуқаролари учун ҳам виза-сиз режим қўйга кирди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Мазкур тартиб Ўзбекистон билан Франция ўртасида ма-даный, илмий ва таълим алмашинувини ри-вожлантириш, инвестиция муҳитини яхши-лаш ва мамлакатнинг сайёҳлик салоҳияти-ни оширишга ижобий таъсир кўрсатиш мақ-садида жорий қилинди.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик ҳақида сўз юритишдан аввал Франциянинг туризм сак-сиоляти, сайёҳликнинг ушбу мамлакат ик-тисодиётида тугган ўрни ҳақида тўхталиб ўтаск.

Франция 1990 йилдан бунён дунёдаги энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган давлатлар рейтингининг энг юқори поғоналарида қайд этилади. Ушбу мамлакатнинг ўзига хос ландшафти, тарихий-меъморий обидалари қўлиги, мўътадил иқлими, транспорт ва сервис хизматларининг аъло сифати сайё-ҳларни ўзига жалб этади. Францияда маз-кур тармоқда 1 миллиондан ортиқ киши меҳнат қилади. Мамлакатда йилга 4 минг-дан зиёд сайёҳлик тадбирлари ўтказилади. 2017 йил якунига қўра, Францияга 90 миллионга яқин сайёҳ келган ва туристлар энг кўп ташриф буюрадиган давлатлар ре-йтингида биринчиликти қўлга киритган.

Туризм Франция иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Сайёҳлик саноатининг мамла-кат яқли ички маҳсулотигадаги улуши ўртача 7 фоизни ташкил қилади. Ҳатто мамлакатда инкироз қайд этилган 2012-2013 йилларда иқтисодиётни тиклаш ва инкирозга қарши туришда туризм сектори муҳим ўрин тутган. Уша кезларда Франциянинг туризм баланси 7,5 миллиард евродан 12,8 миллиардга, яъни 70 фоизга ўсган. Халқаро туризмдан олиннадиган даромад эса 39,1 миллиард е-вродан 41,8 миллиард еврога қўпайган.

Францияга йилнинг турт фаслида ҳам сайёҳлар ташриф буюради. Мамлакат тоғ-

ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИШ ИСТАГИДАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Антуан ДРАСТИНГ, меҳнат фаҳрийси:

– Парижга мамлакатингиздан қўлаб сайё-ҳлар ташриф буюради. Энди францияликлар ҳам Ўзбекистонга боришни хоҳлашмоқда. Бу икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янги бос-қичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

Симони ЛАУРЕНС, шифокор:

– Кейинги пайтларда Парижда Ўзбекистон-га бағишлаб қўлаб тадбирлар ўтказилмоқда. Буни кузатиб шу нарсага амин бўлдимки, икки мамлакат турли соҳалар вакилларининг учра-шувлари мамлакатларимиз ҳамкорлиги учун гоёт муҳим. Давлатларнинг тарихи оламга маш-ҳур, буни тан олиш керак. Буюк Амир Темур доврүгини билмаган одам йўқ. Адолатпарвар-лик ва мустаҳкам ирода ўзбекларнинг қонида бор. Шундай экан, бугун дунёнинг қўлаб мам-лакатлари Ўзбекистон билан алоқаларини ри-вожлантириш тарафдор бўлмоқда. Юртингиз-да, айниқса, Самарқандда бўлиш, унинг бет-қатор обидаларини ўз кўзим билан кўриш менинг орузим. Айтганча, сизларда витамин-ларга бой мевалар, полиз маҳсулотлари етиш-тирилиши ҳақида кўп эшитганман. Ҳозир оқат тайёрлашни яхши кўраман, унга ишлатиладиган маҳсулотлар сифати доим мени қизиқти-ради. Агар Ўзбекистоннинг сифатли кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари олиб келинса, албат-та харид қилган бўлар эдим.

Сафия ДУПАРК, савдо ҳодими:

– Бир неча йиллардан бери фармацевтика соҳасида ишлаймман. Парижда ўзбекларни кўп учратиш мумкин. Ўзбеклар хўшмуомала ва ма-даниятли. Июль ойида Ўзбекистонда бўлдим. Қадимий шаҳарларингиз билан танишдим. Меҳмондўш ва олижаноб халқингиз бор. Туризм йўналиши бўйича бир қанча ишлар амал-га оширилган. Лекин қилиниши керак бўлган ишлар ҳам кўп. Сайёҳлар оқимини қўпайти-риш учун инновацион ёндашув талаб этилади. Ҳозир сизларда шундай қилинапти экан. Бу мамлакатингизни яқин йилларда сайёҳлик соҳасида етакчи давлатлар қаторига олиб чи-қишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Сантоул АНАИС, компания вакили:

– Ўзбекистон буюк санъат ва маданият юрти эканини эшитганман. Юртингизда санъат ва маданиятга алоҳида эътибор қаратилади. Яқинда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжумани ҳақида эшитдим. Ҳозир ҳам санъат шайдосиман. Қадимий обидаларга ишланган нақшлар ақлимни олган.

Милка ВАРИЛЬ, тадбиркор:

– Асли италияликман. Фаолиятимиз юза-сидан турли давлат вакиллари билан ишлай-шим мумкин. Мамлакатингиз иқтисодий жи-ҳатдан жадал ривожланмоқда. Янги лойиҳа-лар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Бу яқин йил-ларда ўз самарасини беради. Менга кўпроқ иқтисодий лойиҳалар, инвестициялар жалб қилиш борасида ташаббуслар ёқмоқда.

Моро БЕНУА, талаба:

– Ўзбекистонга боришни мўлжаллаб туриб-ман. Чунки, юртингиз тарихи меня жуда қизиқтиради. Интернет тармоқларида қадимий обидаларни асл ҳолатида сақлаб қол-иш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам

ўқиганман. Ўзбекистонга энг кўп сайёҳ Фран-циядан келишидан ҳам хабарим бор. Улар бир олам завқ ва таассуротлар билан қайти-шади. Тарғибот ишлари натижасида Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларда буюк аждоғларингизнинг юксак истеъдоди билан бунёд этилган обидалар ўзи-нинг ҳақиқий кадр-қимматини топмоқда.

Французларнинг Ўзбекистон – Франция ҳамкорлиги, халқларимизнинг дўстона муно-сабатлари ҳақида бундай илқ фикрлар билди-ришлари бежиз эмас. Бобокалонимиз Амир Темур асос солган дипломатик муносабатлар, хусусан, буюк Соҳибқироннинг Франция қиро-ли Карл VI билан олиб борган ёзишмалари мамлакатларимизнинг тарихий алоқаларига замин яратган. Бугунги савдо-сотик, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорлиқнинг илмилари ўша даврларга бориб тақаллади.

Ўзбекистон муствақилликка эришган, Ўзе-бекистон ва Франция муносабатларида янги са-ҳифа очилди. Ҳозирги кунгача икки мамлакат муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асо-сини ташкил этувчи 35 ҳужжат имзоланган. Шундан 23 таси давлатларо ва ҳукуматла-ро ҳужжатлар, 12 таси идораларо кели-шувлардир. Ташқи ишлар идоралари ўртаси-да эса шу кунгача 10 марта сиёсий маслаҳат-лашувлар ўтказилган.

Франция Ўзбекистоннинг Европа қитъаси-даги муҳим савдо шериги. Утган йили мам-лакатларининг ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми 251 миллион АКШ долларидан ошди. Кейинги йилларда иқтисодий-маданий, маъ-навий соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича парламентларо ва турли идораларо делегациялар ташрифла-ри ҳам фаоллашди. Мамлакатларимиз ўрта-сида таълим соҳасида ҳамкорлик, айниқса, жадал ривожланмоқда. Хусусан, Франциянинг Сержи-Понтуа университети билан Ўзбеки-стон давлат жаҳон тиллари университети ўрта-сида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзол



Футбол янгиликлари

ОСИЁ КУБОГИ ОЛДИДАН СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, келгуси йилнинг январидан футбол бўйича уюштирилаётган навбатдаги Осиё кубогига БАА мезбонлик қилади.

Яқинда БААнинг Абу Даби шаҳрида футбол бўйича 2019 йилда БААда ўтказиладиган Осиё кубогига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда бўлажак қўтба биринчилигига йўл олган терма жамоалар вакиллари иштирок этишди. Семинар катнашчиларига БААнинг иқлимга мослашиш жараёни бўйича тавсиялар берилди. Албатта бунинг учун зарур жиҳозлар, музли бассейн билан боғлиқ ташкили ишлар юзасидан ОФК координатори Мейза Эссага кўрсатмалар беришди. Шу билан бирга Ўзбекистон делегацияси аъзолари футболчиларимиз жойлашадиган "Хил Райан Ротана" меҳмонхонасини ҳам кўздан кечиришди. Тadbирларнинг сўнгги кунда вакилларимиз Дубай шаҳрида ҳам бўлишди.

чипта, маркетинг масалалари ҳам семинарда муҳокама қилинди. Эътиборлиси, Ўзбекистон терма жамоаси ўйин ўтказадиган шаҳарлардан бири — Ал-Айнда Ўзбекистон вакиллари бўлиши, "Халифа бин Зайд" аренасининг бугунги ҳолати билан танишишди. Яқинда делегациямиз вакиллари аренанинг кийиниш, уқалаш хонаси, ўйин учун зарур жиҳозлар, музли бассейн билан боғлиқ ташкили ишлар юзасидан ОФК координатори Мейза Эссага кўрсатмалар беришди. Шу билан бирга Ўзбекистон делегацияси аъзолари футболчиларимиз жойлашадиган "Хил Райан Ротана" меҳмонхонасини ҳам кўздан кечиришди. Тadbирларнинг сўнгги кунда вакилларимиз Дубай шаҳрида ҳам бўлишди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ИСПАНИЯДА

ЎФА ҳамда Мадриднинг "Реал" клуби академияси ўртасидаги ўзаро келишувга кўра, мадридлик мураббийлар томонидан танлаб олинган 20 нафар ўзбекистонлик болалар Испанияда бўлишди.

Испания сафари олдидан Мадридга йўл олиш режалаштирилган болалар ва уларнинг ота-оналарига Мадридда уюштирилаётган тadbирлар, маҳорат дарслари ва бошқа масалалар юзасидан тўлиқ маълумот берилди. ЎФА ташаббуси билан Испанияда ўқув-маш-

ғулот йиғинида катнашган ёш футболчилар учун бу ўзига хос мактаб вазифини ўтатиши аниқ. Албатта, Мадриддаги машғулотларда ўзини кўрсатган ёш чарм тўп усталарига "Реал" клуби академиясида тахсил олиш имконияти берилди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ЯРИМ ФИНАЛДА

Болалар футболни ривожлантириш мақсадида ЎФА ташаббуси билан 5 та ёш тоифасида Ўзбекистон чемпионати ташкил этилганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

2002 йилда таваллуд топган ўсмирлар ўртасида уюштирилган мусобақанинг чорак финали якунига етди. Унда турнирда пухта ҳозирлик кўрган Навоий, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари галаба қозониб, ярим финал йўлланмасига эга бўлишди. Эътиборингизга чорак финал

натижаларини эълон қиламиз: Сирдарё — Навоий — 0:2, Қашқадарё — Наманган — 6:3, Тошкент шаҳри — Андижон — 5:2, Бухоро — Самарқанд — 5:0. 2002 йили туғилганлар ўртасидаги биринчиликнинг ярим финалида Навоий — Тошкент шаҳри ҳамда Қашқадарё — Бухоро жамоалари

ғолиблик учун баҳс олиб боришади. Энди 2003 йили туғилган ўсмирлар ўртасидаги ўйинлар 20-25 октябрда, 2004 йилда таваллуд топганлар баҳслари 8-13 октябрда, 2005 йилда туғилганлар мусобақалари 5-10 ноябрда бўлиб ўтади.

Акбар Йўлдошев

"101"

ЭХТИЁТКОРЛИК ЧОРАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Табий газ кўп тарафлама фойдали бўлгани билан инсонларнинг озгина эътиборсизлиги билан уларга катта ташвишлар олиб келиши мумкин.

Бунинг олдини олиш мақсадида ўйин иштирокчилари, таомлар пишиқига ёрдам берадиган олов ёнган талафотига айрилиб кетмаслиги учун ёнган хавфсизлиги хизмати ходимлари доимо курашиб келмоқда. Соҳа ходимлари фуқаролар ўртасида тарғибот ишлари ўтказиб, олов ўз жилавида чиқиб кетганда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва бунинг олдини олиш учун нималарга риоя қилишларини ҳар доим тушунтириб ўтадилар. Аммо, ҳамма жойда ҳам газдан оқилна фойдаланилмоқда деб айтиб бўлмайди. Энг ачинарлиси шуки, барча тушунтириш ишларига қарамай, оловни назоратсиз қолдириш, табиий газдан резина ҳатмат орқали улаб, нотўғри фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз воқеалар содир бўлиб келиши.

Йиллар давомида меҳнат қилиб кўтарилган уйлар ва молу мулклар санокли дақиқалар ичида йўқ бўлиб кетиши ҳеч гал эмас. Қондаларга доимо риоя қилинса хўпгина ходисаларнинг олдини олинган бўлади.

Баҳодир ҲИҚМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамаси Биносини Ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант

Ёнғин содир бўлган хонадон ваёронга айланганда, уйдан фэйз-баракча ўчади. Айналариси, бир инсон ёки кичикнотой гўдак ушбу оловда жиддий тан жароҳати олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади ёки қурбонга айланади. Кимнингдир бепарволиги оқибатида бир неча дақиқаларда катта ёнғин ҳосил бўлади. Уни даф этиш учун ёнғин ўчирувчилар ҳамиша шай бўлиб турадилар.

Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан тўғри фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналари ўчиришни унутманг. Айнақисса, болаларингизни ёлғиз қолдирманг. Келажакимиз бўлиши азиз фарзандларимизни олов дастидан бир умрга ногиронга айланишига ёки мурғак умри зомин бўлишига йўл қўйманг!

Абдулла АДИЛОВ, "Халқлар дўстлиги" ЁХБ инспектори Равшан ХАЛИЛОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори

Сержели туманида ҳам ёнғиннинг олдини олиш юзасидан ўрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Бундай ўрашувларда ёнғин содир бўлганда бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш ҳамда ёнғин пайтида фуқаролар эвакуацияси тартиби тушунтириб ўтилмоқда. Азиз ҳамшаҳарлар, ўз уйимиз ва ҳудудимизни "тилсиз ёв"дан асрашга эътибор қаратинг. Уйда ёш болаларни қаровсиз қолдирманг, хонадонда газ плиталари устида кийимларни қуритманг, хонадондан чиқиб кетаётганда газ ва электр уску-

наларини ўчириб кетинг, бир вақтнинг ўзиде электр розеткаларига электр қурималарини улаб олмамлики тавсия этилди.

Уйғун КЕЛДИЁРОВ, Сержели тумани ЁХБ инспектори, сержант

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолаётгани уларга ёнғиннинг оқибати, ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тadbирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтиришни талаб қилади.

Бола онгиде ўт ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлаётган ноҳуш ҳолатлар қамалишига ўзининг икбий таъсирини кўрсатиши табиий. Ёу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қондалари, ўйин олдичи олиш чоралари ҳақида кўргазмали қуроллар ёрдамида ўрашувлар, сўбатлар ўтказиш мақсада мувофиқдир.

Аҳоли турар жойлари, хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш мавжуд калчликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида тахлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қондалари ҳақида жиддийроқ қарашга, уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ўндайди.

Э.СУЛЕЙМЕНОВ, Тошкент шаҳар ФВБ ва Архив Биносини Ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори Х.ХАШИМОВ, ЁХБ кичик инспектори

Ўзингизга маълум, ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз электр тармоқлари, иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болаларнинг назоратдан четда қолиб, олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади.

Бу ходисаларнинг дегярли ҳаммаси аҳоли турар жойларида содир бўлиши эса бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши, десак адашмаган бўлаемиз. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш бораида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказётган ўрашувлар, кенг миқёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бераётди. Бу эса олдимизга тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифини қўяди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш бораидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки шу жамиятда яшаётган ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тоҳир ИСМОИЛОВ, ЁХБ кичик инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Олмазор филиалининг 04.10.2018 йилдаги № 279-сонли бюртманомасига асосан Акциядорлик тижорат Халқ банки Олмазор филиали тасаруфиде бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора-қамиш 2/3-мавзё, 11-уй манзилда жойлашган умумий майдони 124 кв.м., бўлган 339-сонли коммунал касса бошланғич нархи 400 000 000 сўм миқдориде кўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2018 йил 8 ноябрь куни соат 11.00да Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истикбөл кўчаси, 34-уй манзилда бўлиб ўтади.

Кўридаги кўчмас мулк 2018 йил 8 ноябрь куни сотилган тақдирда, тақририй савдолар 2018 йил 23 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўридаги кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида катнашиш истагини билдир-

ган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% дан кам бўлмаган миқдориде зақалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Юнусобод филиалининг кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 2020000900757166001 МФО 00823 СТИР 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолиблиги аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган сандан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотиш шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбөл кўчаси, 34-уй. Тел: +998-71-236-25-53, www.capitaltrust.uz Лицензия RR - 0298

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси темир архив жавонидан 2300x1000x560 мм. ўлчамдан 16 та, 2300x1000x280 ўлчамдан 9 та, 2690x1000x560 ўлчамдан 24 та, 2690x1000x560 ўлчамдан 10 та ва 7.3 кв.м темир панжара яшаш бўйича корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик халқа йўли, 9-уй. Тел: 71 233-72-84. Факс: 71 233-72-84. E-mail: kanc@kadastr.uz Кўшимча маълумотларни душанба - жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқориде кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин. Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб, 10 кун ичида қабул қилинади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси 46.5 кв.м темир панжара яшаш бўйича корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик халқа йўли, 9-уй. Тел: 71 233-72-84. Факс: 71 233-72-84. E-mail: kanc@kadastr.uz Кўшимча маълумотларни душанба - жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқориде кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин. Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"BEST METALL CONSTRUCTIONS" МЧЖ (ИНН 206 992 213) устав фондининг 5 897 066 008.85 сўмдан 2 500 000 000 сўмга қамайтирилиб ҳозирда 3 397 066 008.85 сўмини ташкил этишни маълум қилади.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида кўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 988-25-83.

Олмазор туманидаги 146-сонли мактаб томонидан 1985 йилда Қодиров Абдуҷаббор Ҳақимович номига берилган №075700 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссияси Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда ўтказган тadbирда вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар вакиллари Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар, бу борадаги ишларни давом эттириш масалаларини муҳокама қилди.

Коррупция - мансаб ваколатидан фойдаланиб, манфаатдорлик йўлида амалга оширилган ҳаракатлар, содда қилиб айтганда, порахўрлик жамиятимизда ҳамон мавжудлиги сир эмас. Буни пора олиб, пора бериб ёки бу жараёнда воситачилик қилиб қўлга тушаётганлар билан боғлиқ аниқ далиллар кўрсатиб турибди.

Мухими, айна пайтда биз бу жараёнга бефарқ эмасмиз. Давлат даражасида коррупцияга қарши курашиш бошлангани жамиятда бу иллатга нисбатан муросасизлик кайфиятини уйғотди.

Буни халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этмоқда. БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Хелена Фрейзернинг фикрича, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айнақисса, жамоатчилик назорати кучайган. Бу жараёнда оддий аҳоли вакилларининг иштироки ҳам фойдаланди. Очиклик, шаффофлик кўплаб соҳаларда яққол сезилапти. Давлат хизматлари кўрсатиш яхшиланди. Буларнинг барчаси коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ботир Матмуродов коррупцияга қарши курашиш бўйича зарур ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади. "Коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айнақисса, жамоатчилик назорати кучайган. Бу жараёнда оддий аҳоли вакилларининг иштироки ҳам фойдаланди. Очиклик, шаффофлик кўплаб соҳаларда яққол сезилапти. Давлат хизматлари кўрсатиш яхшиланди. Буларнинг барчаси коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ботир Матмуродов коррупцияга қарши курашиш бўйича зарур ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади. "Коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айнақисса, жамоатчилик назорати кучайган. Бу жараёнда оддий аҳоли вакилларининг иштироки ҳам фойдаланди. Очиклик, шаффофлик кўплаб соҳаларда яққол сезилапти. Давлат хизматлари кўрсатиш яхшиланди. Буларнинг барчаси коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Бу жараёнда коррупция жиноятини содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш катти қоралар қўрилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича кўплаб ташкилий-ҳуқуқий ишлар ва амалий тadbирлар ташкил қилинмоқда, - дейди Бош прокуратура ҳуқуқидоши Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи вазифини бажарувчи Дилшод Раҳимов. - Бу йўналишда ҳуқуқий тарғибот ишлари кучайтирилатгани натижасида аҳолида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат қарор топмоқда. Коррупцияга йўл қўяётган шахслар қонун олдида жавоб бераётди.

Ўзбекистонда парламент назорати институтини ривожлантиришда. Айтиб ўтиш керак, коррупция нафақат пора бериш, балки катта маблағларнинг ноқонуний айланмасида ҳам намойён бўлмоқда, - деди БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Ашита Минттал. - Айна ш у йўналишда БМТ ва Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланаётди. Бош прокурор Отабек Муродов биз билан ҳамкорликни кўплаб-куватлаётганидан мамнунимиз. Пулни қонунийлаштириш каби жиноятларни фой этиш, маблағларни қайтариш бораида салмоқли ишлар қилинмоқда.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Миробод тумани "Давлат хизматлар маркази" томонидан 12.03.2018 йилда № 588897 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "YUSUF AND SON'S" МЧЖ (СТИР305399647) таъсисчининг 28.09.2018 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Миробод тумани, Нукус кўчаси, 83-а-уй манзилда қабул қилинади. Телефон: (97) 404-00-35.

Тошкент шаҳри Миробод тумани "Давлат хизматлар маркази" томонидан 22.05.2018 йилда № 610239 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "QUAZAR" МЧЖ (СТИР305560154) таъсисчининг 4.10.2018 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14-уй манзилда қабул қилинади. Тел: (90) 346-07-24.

Учтёпа туманидаги 78-умумтаълим мактаби томонидан 2014 йилда Абдусаломов Жаҳонгир Абдусалом ўғли номига берилган У № 6737384 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Узидромет ширкати маълумотига кўра, 10 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетиши имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 10 октябр куни ҳаво ўзарар тарафлари, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёнғинларчилик бўлмайди. Шимолдан шарққа томон селунида 5-10 метр тезликда